

МАРТ
ОЙ МАВЗУСИ: “ГҶЗАЛ БАҲОР”

Гуруҳ	Ўрта						
Мавзу	Ҳашаротлар						
Муддати	Март ойининг 4-ҳафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Олдинга ҳаракатланган ҳолда сакраш, мувозанатни сақлаган ҳолда чопиш, ёй остидан эмаклаб ўтиш малакаларини ривожлантириш, тишларни тозалаш, витаминларни организм учун фойдали эканлигини тушуниш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Ўзига нисбатан ишончни ошириш, истак, хоҳишларни баён эта олишга ўргатиш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Отлар ва феъллардан фойдаланган ҳолда унча мураккаб бўлмаган гапларни тузишга ўргатиш, сўзлашув нутқида чиройли сўзлардан кенгроқ фойдаланиш ва луғатни бойитиш.					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Табиатни асраш, ҳашаротларнинг зарарли ва фойдали томонлари ҳақида маълумот бериш, доира, тўртбурчак, учбурчак шакллардан бирон бир предметни ҳосил қилишга ўргатиш					
	Ижодий ривожланиш	Таниш қўшиқларни ажратиш ва унга мос рақсни саҳналаштиришга ўргатиш. Лой, хамир ва пластилиндан фойдаланиш малакаларни ривожлантириш					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, яшаш ва математика	Математика: Фазода мўлжал олиш		Паровозча		Намуна, лего, кубик, мавзуга доир таълимий ўйинлар	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш	“Муха Цокотуха” эртагини тинглаш					АКТ
	Тил ва нутқ	С. Ғофуровнинг “Ҳид ёқади, ари чақади” ҳикоясини қайта ҳикоя қилиш		А. Авлониининг “Асалари ва пашша” асарини қайта ҳикоя қилиш		АКТ, мавзу асосида расмлар	
	Фан ва табиат	Чумоли инини кузатиш					Қутичадаги чумолилар
	Санъат	Лой иши: Гулзордаги кўнғизлар		Аппликация: Капалак	Расм: Майсазордаги момоқаймоқ		Намуна, канцелярия жиҳозлари
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

МАРТ. ТЎРТИНЧИ ҲАФТА ҲАШАРОТЛАР

Қуриш, яшаш ва математика маркази

Математика: Фазода мўлжал олиш

Мақсад: болаларда фазовий тафаккур ривожланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзу асосида таълимий расмлар, хонқизи.

Фаолиятнинг бориши:

1. Хонқизининг турли томонларидан олинган расмлари чизилган кўргазмани кўриш.
2. Расмни таҳлил қилиш.
3. Ўнг, чап, олд, орқа, ён томонларида эканлигини дўстларига кўрсатиб бериш.
4. Алоҳида бир дона хонқизини қоғознинг турли томонларига дўстларининг кўрсатмалари асосида жойлаштириш.
5. Фаолиятни таҳлил қилиш.

Қўшимча: таълимий ўйинлар.

Эътиборга молик жиҳати: майда моторика ва диққатни ривожлантириш.

Қуриш, яшаш ва математика маркази

Паравозча

Мақсад: болалар геометрик шакллардан паравозчани ясайдилар, санашни биладилар ҳамда ранг ва шаклни ажратадилар, икки предметни ҳажмига кўра таққослайдилар, таққослаш натижаларини сўз билан “катта, кичик” деб белгилайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: геометрик шакллар, паравозча тасвири.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Паравозча” тасвирини кўздан кечириш.
2. Қурилишни режалаштириш.
3. Паравозчани конструкциялаш.
4. Болалар ишларини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.
5. “Катта-кичкина” таълимий ўйини.

Қўшимча: композицияни табиий материаллар билан бойитиш таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий тафаккурни ривожлантириш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Муха Цокотуха” эртагини тинглаш

Мақсад: болалар эртакни диққат билан тинглай оладилар, роллардаги хатти-ҳаракатларни ҳамкорликда бажарадилар, ўз ҳаракатларини бошқа роль ижрочилар ҳаракатлари билан мувофиқлаштирадилар, унда хавфсизлик чораларини кўриш қоидаларини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: костюм, эртақ атрибутлари, иллюстрациялар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Эртақдан парча ўқиш.
2. Иллюстрацияларни кўздан кечириш.
3. Ролларни тақсимлаш.
4. Болалар ёрдамида эртакни намоиш этиш.
5. Болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча: эртакни ўқиш, мультипликацион фильмни кўриш.

Эътиборга молик жиҳати: мимика, интонация устида ишлаш.

Тил ва нутқ маркази

С. Ғофуровнинг «Ҳид ёқади, ари чақади» ҳикоясини қайта ҳикоя қилиш

Мақсад: болалар асарни қайта ҳикоя қилишга ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: иллюстрациялар, турли-туман предметлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. «Ҳид ёқади, ари чақади» асарини тинглаш.
2. Арининг расмини кўздан кечириш.
3. Ҳикояга доир саволлар: Мазкур ҳикоя нима ҳақида? Ота ўз қизидан нима ҳақида сўради? Қиз нима деб жавоб берди?

4. “Ҳидидан топ” таълимий ўйини.

5. Асарни қайта ҳикоя қилиш.

Қўшимча: саводга тайёрлашга доир машқлар.

Эътиборга молик жиҳати: асарни қайта ҳикоя қила билиш кўникмаси.

Тил ва нутқ маркази

А. Авлонийнинг «Асалари ва пашша» асарини қайта ҳикоя қилиш

Мақсад: тарбияланувчилар асарни қайта ҳикоя қила оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: иллюстрациялар, ҳашаротлар расми.

Фаолиятнинг бориши:

1. Асарни тинглаш.
2. Иллюстрацияларни кўздан кечириш.
3. Асарни қайта ҳикоя қилиш.
4. Ҳикоя юзасидан саволлар: Пашша асаларига нимани маслаҳат берди? Асалари нима деб жавоб берди? Асаларидан фойда борми? Пашшадан-чи?
5. “Ҳашаротлар” таълимий ўйини.
6. Асарни ҳикоя қилиш.

Қўшимча: пазлларни куриш, топишмоқларни топиш.

Эътиборга молик жиҳати: асарни ҳикоя қилиб бериш малакасини ривожлантириш.

Фан ва табиат маркази

Чумоли инини кузатиш

Мақсад: болалар чумолилар ҳақида билимга эга бўладилар, тадқиқотчиликка қизиқиш уйғонади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: АКТ, мавзуга оид расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзуга доир расмларни кузатиш.
2. Тасвир орқали чумолилар меҳнатини кузатиш.
3. “Чумоли инини топ” лабиринт.

Қўшимча: сайр давомидаги фаолият: бир йўлакчага қум ва иккинчи бир йўлакчага шакар упасини сепиш. Чумолилар нима қилишини кузатиш, ҳамда сабабини болаларга тушунтириш.

Эътиборга молик жиҳати: фойдали ҳашаротларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш.

Санъат маркази

Лой иши: Гулзордаги қўнғизлар

Мақсад: болалар алоҳида қисмлардан хонқизини яшани биладилар: тана, бош, кўз, мўйлов. Болаларда табиатга, ҳашаротларга бўлган муҳаббат тарбияланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: хонқизи тасвирланган расм, тайёр гуллар, пластилин, тахтачалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расм асосида суҳбат.
2. Хонқизи тасвирланган расмни кўздан кечириш.
3. Вазифани бажариш.
4. Болалар ишининг кўргазмаси.

Қўшимча: хонқизи ҳақидаги шеърларни ёд олиш.

Эътиборга молик жиҳати: майда моторика ва ижодий тафаккурни ривожлантириш.

Санъат маркази

Аппликация: Капалак

Мақсад: болалар капалаклар, уларнинг тузилиши ҳақида тасаввурга эга бўладилар, тайёр бўлаклардан аппликациялар ясайдилар, жонли табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: АКТ, мавзуга доир расм, турли рангдаги тўқув иплари, картон, қайчи, елимлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Капалаклар ҳақидаги материалларни АКТ воситасида кўриш.
2. Капалаклар тасвирини кўздан кечириш.
3. Намуна билан танишиш.
4. Турли рангдаги тўқув иплари ёрдамида капалак аппликациясини яратиш.
5. Болалар ишларининг кўргазмаси.

Қўшимча: капалакларни кузатиш, иллюстрацияларни кўздан кечириш.

Эътиборга молик жиҳати: орасталик, эътиборлилик, сабрлилик.

Санъат

Расм: Майсазордаги момоқаймоқ

Мақсад: болалар расм орқали майсазордаги момоқаймоқлар гўзаллигини акс эттира оладилар, ўз чизган расмларидан хурсанд бўладилар, пуфлаш усулида расм чиза оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: яшил рангдаги А-4 ҳажмли альбом варағи, бўёқ, салфетка, сув, майсазордаги момоқаймоқ тасвири

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмга кўра ёки асл момоқаймоқни кузатиш орқали унинг тузилишини ўрганиш.
2. Момоқаймоқни тасвирлаш усуллари намоёни этиш.
3. Болаларнинг мустақил ишлари.
4. “Момоқаймоқ” мавзусида шеър ўқиш.
5. Ишлар кўргазмаси.

Қўшимча: болалар китобларидаги иллюстрацияларни кўздан кечириш, “Худди шундай гулни топ” таълимий ўйини.

Эътиборга молик жиҳати: эстетик идрокни, ижодий тасаввурни ривожлантириш.